

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

У.Бекбаев, К.Муминов

Матрициалы дифференциал тенгламалар системасини сиртлар учун Лоренц алмаштиришлари аниқлигига ечиш.....5

Э.Каримов, С.Кербал

Суб-диффузия ва түлкүн тенгламаларидан иборат аралаш типдаги тенглама учун трикоми типидаги масала.....10

КИМЁ

Н.Бозоров, В.Кудышкин

Метилакрилатнинг акрил кислотаси билан сополимеризацияси15

Ҳ.Исмоилова, Д.Бекчанов, Ш.Ҳасанов, М.Балтаева

Пластификат поливинилхлоридни полиэтиленполиамин билан модификациялаб олинган ионитта мис(II), никель (II) ва кобальт(II) ионларининг сорбцияси19

М.Ахмадалиев, И.Асқаров

Зарарсиз толалар асосида маҳсулот олиш канцероген асбест муаммоларининг ечими сифатида22

Б.Саттарова, И.Асқаров, Ш.Абдуллоев

Товуқ гүштини сертификатлашда унинг таркибидаги антиоксидантлар миқдорини аниглаш.....27

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ

Р.Максудов

Фарғона вилоятида анорчиликни ривожлантириш ва ушбу соҳанинг истиқболлари33

Ижтимоий-туманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.Гафуров, О.Гафуров

Агроиқтисодиётнинг муҳим моддий ва маънавий тимсоли (КФК 80 ёшда).....36

ТАРИХ

Б.Абдуллаев, З.Рахманов, Н.Камбаров

Қўштепа-2 ёдгорлигидаги кўшк хандагининг тадқиқотлари40

У.Мирзалиев

Совет даврида Сирдарё вилоятидаги тарихий-демографик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари44

И.Хўжахонов

Совет тарихшунослигига ўзбеклар миллий идентикилиги муаммосининг ўрганилиш жиҳатлари48

М.Ҳасанов, Юнпенг Танг, М.Хомиджонова

Шимолий Бақтриянинг Кушонлар даврига оид янги ёдгорликлари.....54

Р.Мамадалиев

Исмоил ака – темуршунос олим59

Ш.Охунжонова

XIX аср ўрталари - XX аср бошларида Фарғона водийси бозорлари тарихидан.....64

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Г.Гаффарова

Мураккаб тизимларга оид илмий ғоялар68

М.Маматов

Тасаввух таълимотининг ижтимоий-маданий детерминантлари73

Т.Абдуллаев, Б.Холматова

Инсон омилини фаоллаштириш масалалари77

О.Бойбуваева

Мамлакатимизда амалга оширилаётган диний-маърифий соҳадаги ислоҳотларнинг такомиллашуви82

УДК: 10+21+37

**МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ СОҲАДАГИ
ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ**

**УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ РЕФОРМ, ПРОВОДИМЫХ В СТРАНЕ В ДУХОВНО-
ПРОСВЕТИТЕЛЬСКОЙ СФЕРЕ**

**IMPROVEMENT OF SPIRITUAL AND EDUCATIONAL REFORMS CARRIED OUT IN OUR
STATE**

О.Бойбуваева

Аннотация

Мақолада мамлакатимизда диний-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар таълим сифатини таъминлашига оид мавжуд механизмларга мувофиқ эканлиги таҳлил қилинган. Шунингдек, диний-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда “жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш” тамоилининг замонавий ижтимоий-маданий ва диний-маърифий технологияларга асосланishi ёритилган.

Аннотация

В статье проведен анализ соответствия проводимых реформ по увеличению эффективности религиозно-просветительской работы в нашей стране с механизмами, относящимися к обеспечению качества обучения. Кроме того, обосновано значение современных социально-культурных и религиозно-просветительских технологий в повышении эффективности религиозно-просветительской работы, основанной на принципе “борьбы с просвещением против невежества”.

Annotation

The article analyzes the compliance of the reforms to increase the effectiveness of religious education in our country with the mechanisms related to the quality of education. In addition, on the basis of modern socio-cultural and religious and educational technologies improvement of the effectiveness of religious and educational work on the principle of “combating education against ignorance” is highlighted.

Таянч сўз ва иборалар: динислом дини, диний-маърифий ишлар, диний бағрикенглик, маърифат, жаҳолат, ислоҳот.

Ключевые слова и выражения: религия, исламская религия, религиозно-просветительская работа, религиозная толерантность, просвещение, невежество, реформа.

Keywords and expressions: religion, Islam religion, religious education, religious tolerance, enlightenment, ignorance, reform.

Дин ва эътиқод масалалари инсон маънавиятининг узвий қисми ҳисобланади. Уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида чуқур ва асосланган билимларга эга бўлиш ҳаётний-амалий фаолиятни тўғри ташкил этишга хизмат қиласди. Ҳозирда республикамизда диний-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш борасида қилинаётган ишлар янги босқичга кўтарилди.

Ислом дини ҳамиша инсонларни хайрли ишларга, оила ва жамият ҳаётида ўзаро бирдамликда бўлишга, бир-бирига меҳр-оқибатли бўлишга ундаиди. Ислом динида аёлга бўлган ҳурмат ва эътибор ҳар бир мусулмон ҳаёти учун таъсири жуда катта бўлиб, уни асрash ва эъзозлаш жуда муҳим саналади.

“Барчамизга яхши маълумки, – деган эди Биринчи Президентимиз Ислом Каримов, – дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзотнинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини

ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимирид” [1,36].

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ, демократия тамоилларига ва умумбашарий қадриятларга асосланган ҳолда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга киришилди. Янги ислоҳотлар заминини яратиш жараёнида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий масалалар билан бир қаторда диний-маърифий соҳада ҳам бир қаторда мөъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, улар асосида республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўзгаришлар амалга оширилди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида 16 та диний конфессия фаолият олиб бораётганлиги ҳам кўпмиллатли мамлакатимиз бу вазифаларни ҳал қилишда эришган ижобий тажриба жаҳон ҳамжамияти томонидан яқдиллик билан

О.Бойбуваева – ФарДУ фуқаролик жамияти кафедраси ўқитувчиси.

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

эътироф этилаётгани, демократик жараёнларнинг событқадамлик билан амалга оширилаётгани, хусусан, АЙСЕСКО халқаро ташкилоти томонидан 2007 йил Тошкент шаҳри “Ислом маданияти маркази”, деб эътироф этилишига асос бўлди.

Жаҳоннинг барча демократик давлатлари қонунларида турли миллат ҳамда элат вакилларининг бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга эканлиги белгилаб қўйилган. Шунинг учун диний муносабатларни ривожлантириш, турли эътиқод вакилларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, фуқароларнинг маънавиятини янада юксалтириш, кўп конфессиялик шароитида динлараро тотувликни таъминлаш муаммоларини тадқиқ этиш бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан биридир. Кўпмиллатли Ўзбекистонда диний бағрикенглик муносабатларини ривожлантириш, миллатлараро зиддият ва ихтилофларни консенсус асосида ҳал этиш, турли миллат вакилларининг манфаат ва эҳтиёжларини чуқур таҳлил қилиш ҳамда мавжуд муаммоларнинг илмий ечимларини топиш талаб этилмоқда.

Илмий тадқиқотимизнинг долзарблиги яна шу билан белгиланадики, давлат сиёсатининг диний масалаларга муносабати Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳамда “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунида ўз ифодасини топган. Шунингдек, 2018 йил 16 апрелда қабул қилинган “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, қолаверса, сўнгги ийлларда Ислом цивилизация маркази, Ислом академияси, Мир Араб мадрасаси, Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказларининг фаолияти бугунги кунда диний-маърифий соҳа самарадорлигини ривожлантириш даражасини белгилаб беради.

Тараққиётимизнинг янги босқичи мамлакатимизнинг диний-маърифий соҳадаги ишлар самарадорлиги янги босқичга кўтарилганлиги билан тарих

саҳифаларида қолди. Жумладан, Тошкент шаҳрида ўз ишини бошлаган Ислом Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар Ташки ишлар вазирлари кенгашининг очилиш маросимида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ўз чиқишида “Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл” мавзуси 43-сессия кун тартибининг асосий ғояси этиб белгилангани чуқур рамзий маънога эга. Бу ғоя “Бешикдан қабргача илм изла”, деган машхур ҳадисга ҳамоҳангидир [2,27]. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 15 июндаги “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг соғлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжумандаги сўзлаган нутқида белгилаб берилган вазифалар, жумладан, “Самарқандда, Имом Бухорий илмий марказида ҳадисшунослик, Имом Мотурдий маркази қошида калом илми, Фарғонада, Марғиноний илмий марказида ислом ҳуқуқи мактаби, Бухорода, Баҳоуддин Нақшбанд марказида тасаввуф, Қашқадарёда, Абу Муин Насафий марказида ақида илми мактабини ташкил этсан, ўйлайманки, бу жуда фойдали бўлади” [2,491], деган фикрлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонининг бешинчи устувор йўналишида белгиланган вазифаларни амалга оширишда хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташки сиёсат юритишига йўналтирилган давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш зарурлиги билан ифодаланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбаридан туриб Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бутун инсониятга қилган мурожаати диққатга сазовордир. 2017 йил сентябр ойида БМТ 72-сессиясида қилган маъруzasидаги мамлакатимизда диний-маърифий ишлар стратегияси билан Президентимиз Шавкат Мирзиёев бутун

ҳамжамиятнинг эътирофига тушди. Жумладан, маърузада шундай дейилади: “Бугунги сессия иштирокчиларига БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи билан мурожаат қилмоқчиман.

Бу ҳужжатнинг асосий мақсади - барчанинг таълим олиш хуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат.

Ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг хуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишга қаратилган” [3,254]. Ва бунинг аҳамияти шундаки, орадан бироз вақт ўтиб, 2018 йил 12 декабря БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон Президентининг Бош Ассамблеянинг 72-сессиясида илгари сурган “Маърифат ва диний бағрикенглик” махсус резолюциясини қабул қилингандиги буғунги кунда диний-маърифий ишларнинг долзарб эканлигини англатади.

Демак, диний-маърифий ишларнинг мақсади сифатида “Жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш” тамоили, унинг замонавий технологиялар асосида ёшлар онги ва қалбига сингдириш йўллари ва воситаларини илмий-фалсафий жиҳатдан ишлаб чиқишдан иборатdir.

Натижада диний-маърифий ишлар самарадорлигини янада такомиллаштириш, унинг жамият тараққиёти билан ҳамоҳанг эканлиги омиллари, мезонлари, таъминлашдаги норматив-хуқуқий асослари ва назорат қилиш механизмларидан фойдаланиш орқали республикамизда диний-маърифий ишлар самарадорлигини янги босқичга кўтариш билан белгиланади. Шунингдек, буғунги глобаллашув шароитида диний экстремизм, ақидапарастлик ва диний фундаментализмга қарши самарали курашиш эҳтиёжидан келиб чиқиб белгиланади.

Хулоса сифатида мамлакатимизда диний-маърифий ишлар самарадорлигини ва такомиллаштириш сифатини яхшилаш заруратидан келиб чиқкан ҳолда қуидагиларга аҳамият бериш керак, деб ўйлаймиз:

-диний-маърифийишларнинг асосий омиллари ва мезонларини ўрганиш ҳамда таҳлил этиш;

- диний-маърифий ишлар самарадорлигини оширишнинг норматив-хуқуқий асосларини ўрганиш;

- олий таълим муассасаларида диний-маърифий ишлар самарадорлиги бўйича талабаёшлар ва кенг жамоатчилик дикъат-эътиборини жалб этишда илғор тажрибаларнинг аҳамиятини аниқлаш ва таҳлил этиш.

Адабиётлар:

- Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
- Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимишни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
- Мирзиёев Ш.М.Халқимиз розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. –Т.: Ўзбекистон, 2018.
- Фалсафа қомусий луғат. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари Миллий жамиятияти нашриёти, 2004.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли Фармони.

(Тақризчи: Т.Абдуллаев – фалсафа фанлари доктори, профессор).